



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2013 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг  
ўн биринчи ялпи мажлиси ўз иштини давом эттирди.**

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи иш кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашга қаратилган амалдаги қонунчиликка риоя қилинишининг аҳоли ва бу борадаги прокурор назоратини янада кучайтириш чоралари тўғрисидаги ҳисоботини тинглашдан бошлади. Қайд этилганидек, мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан қўнғон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш жамият ва давлат қурилишининг энг муҳим устувор йўналиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг, қонун ижодкорлиги фаолиятининг мақсади ва мазмунидир.

Инсон манфаатлари устуворлигини, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидagi масъулиятини мустахкамлаб кўядиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларига мубофиқ, Ўзбекистонда фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича катта ҳуқуқий база яратилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яхлит ташкилий-ҳуқуқий механизми тизими шакллантирилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» маркази ҳамда бошқалар ташкил этилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Суд ҳокимиятини мустахкамлаш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ишончли ҳимоячиси бўлиб хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилган. Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш бўйича комплекс чоралар қўрилган. ННТ, бошқа фуқаролик жамияти институтлари демократик кадрларини, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Ҳисоботда кўрсатиб ўтилганидек, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш прокуратура органлари фаолиятининг мазмунини ва шакллари янги жиҳат

ўзгартирди, унинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифаларини кучайтирди. 2001 йилда янги тахрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилишни прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги Фармониға мубофиқ прокуратура органлари таркибида Фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш босқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тузилди.

«Хабеас корпус» институтининг жорий этилганиги, қўй прокурорларнинг дастлабки тергов босқичидаги бир қатор назорат ваколатлари чиқариб ташланганиги, Жиноят кодекси бир қатор моддаларининг терговга тааллуқлиги ўзгартирилганиги ва бошқа чоралар прокуратура органларига эътиборни ўзларининг энг муҳим вазифаларини амалга ошириш — инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги қонунлар ижросини назорат қилишга жамлашига имкон берди.

Айни вақтда, маърузада кўрсатиб ўтилганидек, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида яратилган норматив-ҳуқуқий базани, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни рўйбга чиқариш борасидаги иш шунинг талабларига ҳали тўлиқ жавоб бермайди. Жойларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун талабларини мансабдор шахслар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан инкор этиш, фуқароларнинг мунозаралари, шикоятлари юзасидан чоралар кўрмаслик, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, меҳнат ва бошқа манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал қилишда суиистеъмолларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд. Бундай қамчиликлар «Давархитектурилиш», «Ергодезкадастр» давлат кўмиталари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқаларнинг фаолиятида аниқланган.

Прокуратура органлари ўзларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифаларини амалга ошира бориб, қонунлар, шу жумладан, «Фуқароларнинг мунозаралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари аниқ этилишини назорат қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг талабларини инкор этиш, фуқароларнинг мунозаралари, шикоятлари юзасидан чоралар кўрмаслик ҳолатлари юзасидан чоралар кўрмаслик, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, меҳнат ва бошқа манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал қилишда суиистеъмолларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд. Бундай қамчиликлар «Давархитектурилиш», «Ергодезкадастр» давлат кўмиталари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқаларнинг фаолиятида аниқланган.

Прокуратура органлари ўзларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифаларини амалга ошира бориб, қонунлар, шу жумладан, «Фуқароларнинг мунозаралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари аниқ этилишини назорат қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг талабларини инкор этиш, фуқароларнинг мунозаралари, шикоятлари юзасидан чоралар кўрмаслик ҳолатлари юзасидан чоралар кўрмаслик, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, меҳнат ва бошқа манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал қилишда суиистеъмолларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд. Бундай қамчиликлар «Давархитектурилиш», «Ергодезкадастр» давлат кўмиталари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқаларнинг фаолиятида аниқланган.

публикаси Қонуни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилиш яқунлари бўйича 2012 йилда давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонунчилик талабларига мос бўлмаган ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатларига дахлдор бўлган 1350 та ҳужжатига протест келтирилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонун ҳужжатларининг талабларини инкор этиш, фуқароларнинг мунозаралари, шикоятлари юзасидан чоралар кўрмаслик ҳолатлари юзасидан прокурорларнинг қарорлари ва тақдирномалари асосида тегишли мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, жиноят ишлари кўзатирилган ҳолатлар мавжуд. Инсон ҳуқуқларига доир қонунларнинг моҳиятини аҳолига тушунириш мақсадида 2012 йилда прокуратура органлари томонидан 125 мингдан ортиқ тадбир ўтказилган, оммавий ахборот воситаларида 23 мингдан ортиқ чиқиш амалга оширилган.

Маърузада кўрсатиб ўтилганидек, Бош прокурор томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда Олий Мажлисга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳасини киритиш мўлжалланмоқда. Муҳокамада сўзга чиққан сенаторлар давлат тузилмаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш соҳасидаги ишнинг тубдан яхшилаш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Бу соҳадаги қонунларни сўзсиз ижро этиш демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг фойдаланиши шартидир.

Сенаторлар томонидан прокуратура органларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар баён этилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ҳисоботини муҳокама қилиш вақтида қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга қаратилди.

(Давоми 2-бетда.)

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ИККИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Тошкент шаҳрида 2013 йил 29 март куни  
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий  
аксилтерроρ тузилмаси (ШХТ МАТТ)  
Кенгашининг навбатдаги йигирма иккинчи  
мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон  
Республикаси, Хитой Халқ Республикаси,  
Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси,  
Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон  
Республикаси вакиллари иштирок этди.**

ШХТ МАТТ Кенгаши томонидан ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ШХТга аъзо давлатлар ҳудудидаги озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларни террористик ва экстремистик ташкилотларга жалб этишга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлари тасдиқланди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида ШХТ МАТТ Кенгаши томонидан терроризмга, сепаратизмга ва экстремизмга қарши курашиш бўйича тадбирлар; терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив ҳуқуқий актлар, ўқув материаллари ва махсус адабиётлар; террористик ташкилотлар томонидан фойдаланиладиган портлатилиш мосламалари, куроллар, ўқ-дорилар, заҳарловчи ва бошқа моддаларнинг ягона реестрлари тўғрисидаги низомилар тасдиқланди.

Экспертларнинг чегара масалалари, халқаро террористик ташкилотларга ҳамкорликда қарши курашишни мувофиқлаштириш борасидаги иш режалари тасдиқланди.

Терроризмга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустахкамлаш мақсадида ШХТ МАТТ билан МДХ Терроризмга қарши курашиш маркази ўртасида ШХТ ва МДХга аъзо мамлакатлар ҳудудида ўтказиладиган йирик халқаро тадбирлар пайтида хавфсизликни таъминлашда ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисидаги протокол лойиҳаси маъқулланди.

Ахборот соҳасида ҳамкорликни мустахкамлаш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШХТ МАТТнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди, ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори Чжан Синьфэннинг ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлари тасдиқланди.

мизмга қарши курашиш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари амалга оширилишининг яқунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

ШХТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустахкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун ваколатли органлар ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг бир қатор ходимлари Кенгаши Ерликлари билан мукофотланди.

ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси фаолиятини ташкилий, кадрлар ва молиявий жиҳатдан таъминлашга доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисининг 2013 йил 29 сентябрь куни Россия Федерацияси ҳудудида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори лавозимига янгидан тайинланган Чжан Синьфэннинг лавозимига киришиш маросими ўтказилди.

ШХТ МАТТ Кенгаши ишида ШХТ Бош қотиби Д.Мезенцев, Ўзбекистон Республикаси ташкилоти вазирининг ўринбосари Э.Арипов, ШХТга аъзо давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчилари иштирок этди.

Кенгаши мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

### ЎЗХДП: устувор Республикалар

## БАРЧА ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ИШЛАРИМИЗНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

**партия дастурий мақсадларини муваффақиятли  
амалга оширишнинг муҳим шартидир**



Аввал хабар берганимиздек, 2013 йил 27 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VII пленуми бўлиб ўтди. Унда Обод турмуш йили ва партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ЎЗХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг партия электорати манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий вазифаларни ҳал қилишдаги иштирокини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Марказий тафтиш комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, ҳудудий партия ташкилотлари етакчилари, партия фаоллари иштирок этди.

⇒ 2

### Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олтидан

## ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК ОРЗУЛАРИ УШАЛМОҚДА

**Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон  
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси  
Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасини ўқиб**



Фарзандлар бахти ва иқболини кўзлаб эзу орзулар билан яшаш халқимизга хос азалий фазилатлардандир. Ватанимизнинг мустақилликка эришини ана шу буюк ва олжаюб мақсадини рўйбга чиқариш имконини берди. Озодлик нафрати билан миллатимизнинг бу эзу мақсади — баркамол авлодини тарбиялаш масаласи давлат сийсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олжаюб характерларимизнинг негизиде, барча эзу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом этиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодини тарбиялаш орзуси муҳимдир.

(Давоми 3-бетда.)



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:
Нематжон Ахмеджанович **Акбаров**
Холмўмин Буврабоевич **Едгоров**
Гузал Равильевна **Зиганшина**
Давлатмирза Казакджанович **Камилов**
Темур Тельманович **Рахматов**
Саидяхорр Аскарлович **Умаров**.
- Мирали Махмутжонович **Миррахимов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
- Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **И.Собиров**

*Тошкент шаҳри, 2013 йил 29 март.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛЛИСИ СЕНАТИНИНГ Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:
Абдумумин Абдухатович **Абдуллаев**
Ихтияр Жалгасович **Матмуратов**.
- Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **И.Собиров**

*Тошкент шаҳри, 2013 йил 29 март.*

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида А Х Б О Р О Т

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Табиאתни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиאתни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қарорини рўёбга чиқариш мақсадида қабул қилинган тадбирлар дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиאתни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан 12 та асосий йўналиш бўйича 48 та тадбирнинг бажарилиши таъминланган. 2008–2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурини бажаришга алоҳида эътибор берилган.

Ҳисоботни муҳокама қилиш асносида сенаторлар Табиאתни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риюя этиш устидан назоратни кучайтириш юзасидан қўшимча чоралар кўриш, шунингдек, экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни амалиётга киритиш бўйича аниқ тақлифлар ва тавсияларни билдирдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини ҳам тингладилар. Қайд этилганидек, ўтган даврда Адлия вазирлиги томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, уларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида муайян ишлар қилинган.

Чунончи, 2012 йилда вазирлик томонидан 20 дан ортиқ давлат органи фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риюя этилиши ўрганилган. Назорат тадбирларини амалга ошириш натижаларни бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазириқлар, давлат кўмиталари ва идоралари томонидан умуммажбурий хусусиятдаги ҳўжжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказмасдан қабул қилиш, қонун

ҳўжжатлари билан ўзларига берилган ваколатларни тегишлича бажармаслик, «Норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар тўғрисида»ги Қонун талабларини тегишли тарзда ижро этмаслики ҳолатлари аниқланган.

Аниқланган камчиликлар бўйича адлия органлари томонидан тартиббузарликларни, шунингдек, уларни содир этишга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган 616 та муносабат чораси қўланилган. Манфаатдор вазириқлар, давлат кўмиталари ва идораларига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳўжжатларда аниқланган камчиликларни тўлдирши ва зиддиятларни бартараф этиш бўйича 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳўжжат лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф қилинган, давлат органлари юридик хизматларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилган.

Муҳокама давомида сенаторлар давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари фаолиятида қонунийликка риюя этилиши устидан тизимли назоратни кучайтириш, шунингдек, уларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги фаолиятини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш масалаларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси давомида 17 та масала, шу жумладан, демократик ислохотларни босқичма-босқич ҳамда изчил чўқурлаштиришга ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга йўналтирилган 7 та Қонун кўриб чиқилди. Қабул қилинган қонун ҳўжжатларининг рўёбга чиқарилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва ободликни янада оширишнинг қудратли омили бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

**ЎзХДП: устувор вазифалар**

# БАРЧА ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ИШЛАРИМИЗНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

*партия гастурий мақсадарини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартидур*

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломов, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улугбек Вафоев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов, Фарғона вилоят партия кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳқамов, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шўҳрат Турсунбоев, «Фаол аёллар» қаноти Чиноз туман бўлими етакчиси Азиза Полвонова, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси, Саноат ташкилотлари уюшмаси бошқарма бошлиги Аҳдам Долиев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси, «Истикбол» ёшлар қаноти фаоли Дилрабо Расулова кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлашганидек, Обод турмуш йилнини устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, партиянинг бош дастурий вазифаси аҳоли бандлигини таъминлаш орқали манзилли ижтимоий ҳимоя самарадорлигини оширишга кўмаклашидан иборатдир.

Шунинг учун пленумда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, худудий ривожлантириш дастурларининг бажарилиши устидан таъсирчан депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати ўрнатишдаги иштирокини янада чўқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишдаги ишларда партиянинг барча тузилмалари фаол қатнашиши зарурлиги алоҳида қайд этилди. Дастурларда кўзда тутилган иш ўринларининг вақтида очилиши, белгиланган кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ушбу масалалар бўйича эшитувларини ўтказиш юзасидан ташаббусларни мунтазам илгари суриш лозимлиги таъкидланди.

Пленум иштирокчилари таъкидлаганидек, дастурга киритилганидан ташқари кўшимча иш ўринлари ташкил этиш бўйича партиянинг барча тузилмалари ташаббускорлигини ошириш зарур. Шу мақсадда жойларда ўз ишини очиш истагида бўлган партия электорати вакиллари аниқлаш бўйича ишлар изчил давом эттирилиши зарур. Ушбу масалада ЎзХДП томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий анжуманлар, айниқса, Жамоатчилик қабулхоналари орқали ҳар томонлама амалий кўмак кўрсатиш лозим. Шу билан бирга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг худудий инвестиция дастурларига маҳаллий ресурс ва хусусий сармояларни кенг жалб этиш йўли билан янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича қўшимча лойиҳаларни киритишга қаратилган фаолиятини янада ривожлантириш вазифаси қўйилди.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

эканлигидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг шу билан боғлиқ масалаларда ташаббускорлигини ошириш муҳим вазифа этиб белгиланган.

Ўтган йили ана шу вазифани бажариш юзасидан муайян натижаларга эришилгани, бу борада фаоллик сезиларли даражада ошганини эътироф этиб, пленум иштирокчилари ЎзХДПнинг жойлардаги бир қатор депутатлик гуруҳлари фаолиятини танқидий тахлил қилишди. Айрим депутатлик гуруҳлари бугунги кунда ҳали-ҳамон суस्ताшликка йўл қўяётгани, уларнинг электорат манфаатини таъминлашга хизмат қилувчи фаолиятини жонлантириш зарурлиги қайд қилинди.

Пленумда сўзга чиққанлар электорат орасида ижтимоий-сиёсий, мафкуравий йўналишларда олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Партиянинг гоъвий ҳамда мафкуравий фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бунда ЎзХДП электоратнинг узоқ муддатли ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишини кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди. Қайд этилдики, бугун сиёсий партия дастурий устувор вазифаларини муайян ижтимоий гуруҳ ва аҳоли қатламлари манфаатларига йўналтиришнинг ўзи кифоя эмас. Эндиликда партиянинг ҳар бир ташкилоти партия дастурий мақсадларига мос тарзда амалий фаолият юритиши, хусусан, манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларнинг манфаатларини таъминлаш бўйича аниқ натижаларга эришиши лозим.

Демак, жорий йилда электорат вакиллари турмуш даражасини ошириш учун нималар қилиш керак, деган саволга аниқ жавоб топиш, бу борада аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бунда амалдаги қонунлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, аيني пайтда, электорат ҳамда партия аъзоларининг фуқаролик маърифатини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш асосий вазифа ҳисобланади.

Юқоридаги тақлифлар партиянинг янгиланган дастурий ҳужжатида акс этади ва мазкур ҳўжжат навбатдаги сарлов кампаниясига сайловолди дастурини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳўжжат партиянинг ўрта муддатли истикбол учун мўлжалланган амалий сиёсий мафкурасининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Пленум давомида партия матбуотида эълон қилинаётган мақолаларнинг мазмундорлиги ва сифатини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Партия нашрлари партиянинг асосий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалалар бўйича позициясини юқори публицистик даражада очиб бериши, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари олиб бораётган ишларнинг амалий натижаларини кўрсатиши лозим. Бу масалада партия марказий нашрлари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича бўлимлар ходимлари ҳамда минтақавий партия кенгашлари нашрлари зиммасига кўпрoқ масъулият юкланади. Ижтимоий-сиёсий фаолият самара-

дорлигини ошириш масалаларини кўриб чиқар экан, пленум иштирокчилари сиёсий ва фуқаролик маърифатини юксалтиришда тизимлиликни таъминлаш заруратига эътибор қаратишди. Партиянинг маҳаллий ташкилотларига бу борадаги фаолиятни кучайтириш, партия кадрлари ва фаолларининг миллий мустақиллик, юксак маънавият, давлат қурилиши ва ҳуқуқ, замонавий иқтисодиёт, шунингдек, ЎзХДП сиёсий мафкурасининг ўзига хос жиҳатлари каби йўналишларда билими ҳамда маҳоратини муттасил ошириб бориш зарурлиги қайд этилди.

Партия бошланғич ташкилотлари электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиши талаб қилинади.

Пленумда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги тадбирларни бошланғич ташкилотлар даражасида изчил йўлга қўйиш, аҳоли орасида тушунтириш-тарғибот ишларини самарали ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бундан асосий мақсад партиянинг фаол тарафдорлари сафини кенгайтиришдан иборатдир.

Бошланғич ташкилотларни мустаҳкамлаш партиянинг бутун ташкилий тузилмасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП минтақавий кенгашларига партиянинг сайланма органлари аъзолари, маҳаллий партия кенгашлари етакчиларининг касб маҳоратини ошириш, партия ташкилотлари етакчилигига ёш, ташаббускор, илгор фикрловчи ходимлар номзодини илгари суриш тавсия этилди. Таъкидланганидек, бунда партия сайланма органлари аъзоларининг нафақат партиявий йиғилишларда, балки маҳаллий партия ташкилотларининг қундалик фаолиятида иштирок этишига эришиш керак.

Пленумда 2013 йилнинг иккинчи ярим йиллиги бошида партиянинг барча бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур жараёнда бошланғич ташкилотларга раҳбарлик қилишга, ЎзХДП электорати орасида самарали ижтимоий-сиёсий фаолият олиб боришга қодир партия аъзолари номзодларини илгари суриш муҳим аҳамиятга эга.

Бўлиб ўтган муҳокамалар натижаларига кўра, пленум партиянинг 2013 йилга мўлжалланган амалий ҳаракатлар дастурини тасдиқлади. ЎзХДП Марказий Кенгаши Иқроия Кўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг 2012 йилдаги фаолияти натижалари тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди. Шунингдек, пленумда партиянинг 2012 йилги бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳамда 2013 йилги бюджети кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

Пленум олдидан ташкил этилган шўъба йиғилишларида партия устав фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар тегишли қарорлар билан расмийлантирилди. Улар партияннинг барча маҳаллий ташкилотларига ижро этиш учун юборилди.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати.**

		1-шакл		2-шакл	
	<b>Ўзбекистон ХДПга 2012 йилда тушган ва сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ</b>		<b>Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2013 йилги партия бюджети</b>		
		(минг сўм)		(минг сўм)	
<b>т/р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Режанинг бажарилиши</b>	<b>т/р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Режа</b>
<b>I</b>	<b>Тушумлар, жами:</b>	<b>7 568 012,2</b>	<b>I</b>	<b>Тушумлар, жами:</b>	<b>8 752 583,4</b>
	шу жумладан:			шу жумладан:	
	давлат бюджети маблағлари, жами	4 052 619,0		давлат бюджети маблағлари, жами	4 986 213,0
	бюджетдан ташқари маблағлари, жами	3 515 393,2		бюджетдан ташқари маблағлари, жами	3 766 370,4
	шу жумладан:			шу жумладан:	
	<i>кириш ва аъзолик бадаллари</i>	<i>2 577 145,9</i>		<i>кириш ва аъзолик бадаллари</i>	<i>2 699 687,4</i>
	<i>тадбиркорлик фаолияти даромадлари</i>	<i>921 438,7</i>		<i>тадбиркорлик фаолияти даромадлари</i>	<i>1 066 683,0</i>
	<i>ҳомийлик, хайрия тушумлари</i>	<i>7 770,0</i>			
	<i>бошқа тушумлар</i>	<i>9 038,6</i>			
<b>II</b>	<b>Харажатлар, жами:</b>	<b>7 505 291,4</b>	<b>II</b>	<b>Харажатлар, жами:</b>	<b>8 687 251,5</b>
	шу жумладан:			шу жумладан:	
	ижро этувчи аппарат ходимлари учун жорий харажатлар	6 605 175,3		ижро этувчи аппарат ходимларининг таъминоти учун жорий харажатлар	7 534 019,2
	партия фаолларини ўқитиш, семинарлар, тренинглар ўтказиш харажатлари	77 392,9		партия фаолларини ўқитиш, семинарлар, тренинглар ўтказиш харажатлари	20 412,1
	партия пленум ва давра суҳбатлари, йиғилишлари ўтказиш харажатлари	23 900,3		партия пленумлари ва давра суҳбатлари, йиғилишлар ўтказиш харажатлари	85 200,2
	партия мол-мулкни сақлаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари	615 844,1		кўргазмали тарғибот материаллари нашр этиш ва тарқатиш харажатлари	15 250,0
	бошқа турли харажатлар.	182 978,8		партия мол-мулкни сақлаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари	628 387,4
<b>III</b>	<b>Даромадларни харажатлардан ортиқлиги</b>	<b>62720,8</b>	<b>III</b>	<b>Даромадларни харажатлардан ортиқлиги</b>	<b>65331,9</b>




Тақдимот

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда тайёрланган «Онажон» деб номланган китобнинг тақдимотини ўтказди. Унда ташкилотчилар вакиллари, шоирлар, ижодкорлар, журналистлар ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари қатнашди.

«ОНАЖОН»

— Она — муқаддас мавзулардан бири, — дейди китоб тўловчиси, «Гулхан» журнаlining бош муҳаррири Ашурли Жўраев. — Онажонларимизни таърифлаб, улуғлаб ва уларни мадҳ этиб ёзилган асарларни, чоп этилган китобларни йиғиб, улкан тоғ бўлиши табиий. Ушбу китоб ҳам оналарга бағишлаб ёзилган шеърлар уммонидан бир томчи холос. Шу боис китоб дунёдаги энг янграқ, дилрабо кўшиқдай туюлади. Ирмоқлар дарёларга, дарёлар денгизларга мудоми куйилиб тургани каби оналар ҳақидаги асарлар ҳам адабиёт уммонини бойитиб бораётир...



Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситнова иштирок этди.

Альбина ЖУМАНОВА

Кўрик-танлов

САНЪАТ ГУНЧАЛАРИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Санъат гунчалари» Республика ёш мусиқачилар кўрик-танлови совриндорларини тақдирлаб маросими бўлиб ўтди.



Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Мазкур танлов «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси томонидан иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинади. Бу балги кўрик-танловда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мусиқа мактабларидан 9-16 ёшгача бўлган 150 нафарга яқин истеъдодли мусиқачилар уч кун давомида Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик

лицейида зарбли ва дам-ли чолгу асбоблари йўналиши бўйича маҳоратларини намойиш этди. Бу танловда ғолиб бўлган деб ўйламаганимиз, — дейди қорақалпоғистонлик Мирбек ТАЖЕПОВ. — Устозларим ва ота-оналарим ишончи, берган сабоқлари менга катта куч бўлди. Тенгдошларимнинг ихро маҳоратини кўриб, ҳавасим келарди, улардан кўп нарса ўргандим. Танловда совриндор бўлган ёш мусиқачилар ташкилотчилар томонидан диплом ва қimmatбахо совғалар билан тақдирланди. (Ўз мухбиримиз.)

Эълон



«Ўзвиносаоат-Холдинг» компанияси барча талбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади. Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача. Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Телефон: 244-39-47, 244-50-54.

Тадбир

«МЕН ҲАМ НАФИСА ОПАМДЕК ГРОССМЕЙСТЕР БЎЛАМАН!»

Бу эзгу ният ҳозирги кунда нафақат фарғоналик, балки юртимиздаги барча шохмочти қизларнинг орузига, мақсадига айланди.

Нафиса Мўминовага FIDE томонидан халқаро гроссмейстер унвони берилгани тўғрисидаги хушxabар бир зумда Фарғона вилоятига ёйилди. Наврўз байрами арафасида унга Президентимизнинг табриги ва махсус совғаси топширилгани яна бир қувончли воқеа бўлди. Ўзбекистон туманининг чекка Қумбосди қишлоғида туғилиб воёга етган, шу ерда мактаб, касб-хунар коллежини тугатган Нафисанинг шохмочта эришган ютуқлари мамлакатимизда истеъдодлар кўплигининг яна бир тасдиғидир.

Наврўз байрамининг шуқули кунда Нафиса Мўминова ва унинг биринчи мураббийи — отаси Алишер Мўминовни шарафлаш маросими Фарғона давлат университетида, юзлаб ёшлар иштирокида бўлиб ўтди. Истеъдодли шохмочти ва уни тарбиялаб воёга етказган ота-онасига вилоят ҳокими Шухрат Фаниевнинг ташаккурномаси ҳамда қimmatбахо совғалар топширилди. Сузга чиққанлар Нафиса эришган ютук Ўзбекистон аёллар шохмочти тарихида катта галаба эканини фахр билан гапириб, унга жаҳон



тожини қўлга киритиш йўлида муваффақиятлар тиландилар. — Хали Нафисанинг ўнлаб издошлари чиқишига ишон-

чим комил, — дейди университет ректори Мадамин Аҳмедов. — Чунки Нафисанинг синглиси Хулкар бизнинг олий даргоҳда таҳсил олади ва у ҳам халқаро мусобақаларда катта ютуқларни қўлга киритаётти. Шаҳардаги олимпия захиралари коллежидаги учрашув ҳам ғоят кўтаринки руҳда ўтди. Нафиса туғилиб ўсган Ўзбекистон туманида ўтган учрашув спорт байрамига айланиб кетди. Шохмочт доскасини қўлтиқлаган қизалоқлар, фарзандларини бошлаб келган ота-налар учрашув чоғида сўзга чиқиб, ҳамқишлоқлари эришган ютук уларни ҳам шу спорт турига қизиқишини оширганини таъкидлашди. Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллий матбуот марказида

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

аҳолининг унга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган матбуот анжумани «Ўзбекистон Республикаси энергия тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари» мавзусига бағишланди.

Бугун компания тизимидаги электр станцияларининг қуввати 12,4 миллион кВтдан, барча кучланишдаги электр тармоқларининг узунлиги эса 238,8 миң километрдан ошди. Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиётида саннат тармоқларининг ривожланиши туфайли, аҳоли фаровонлигининг янада яхшилланиши билан бирга электр энергияси истеъмолга бўлган талаб ҳам тобора ортмоқда. Шу боисдан бугун компания тасарруфидидаги корхоналарга янги илгор технологиялар жорий этилмоқда, ишлаб чиқариш жараёни тақомиллаштирилмоқда, мавжуд қувватларни

модернизация қилиш, технология янгилаш ва кенгайтиришга қаратилган қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Анжуманда компания бошқаруви раиси ўринбосари Рўзиқул Раимов сўнги йилларда электр энергетика тармоғида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш ҳажми барқарор ўсиб бораётганига тўхталиб ўтди. Шунингдек, бунда, айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саннатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил учун инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорлари асосида умумий қиймати 6,5 миллиард АҚШ доллари миқдорига 48 та инвестиция лойиҳаси ҳаётга таъбиқ этилиши кўзда тутилганини таъкидлади. Шунингдек, Япониянинг «JICA» агентлиги ҳамда Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобига «Таллимаржон» иссиқлик электр станциясида қуввати 900 мегаваттга тенг бўлган иккита буғ-газ турлимасини қуриш лойиҳасининг амалга ошириш ишлари бошлаб юборилгани ҳақида ҳам маълумот бериб ўтди.

Жаҳонда углеводород хомашёси захиралари камайиб бораётган бир шaroитда бизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ишлари жадал суратда амалга оширилмоқда. Хусусан, республикамизда муқобил энер-

гия манбалари, авваламбор, кўёш энергиясидан фойдаланиш борасида сўнги ўн йилдан буён изланишлар олиб боришмоқда. Мамлакатимизда Марказий Осиёда ўхшаши йўқ Фанлар академиясининг «Физика-Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси — илмий-таъриба марказининг тадқиқотлари натижалари бутун жаҳонда эътироф этилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш борасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш қўламини кенгайтириш мақсадида Самарқанд вилоятида дунёда биринчи ўринда турадиган қуввати 100 мегаваттга тенг кўёш фотозлектр станциясини қуриш режалаштирилаётгани ва «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳамда «Ангрен» махсус индустриал зоналарида бунинг учун зарур бўлган ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этилиши режалаштирилгани эътиборга лойиқдир. Тошмир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

Внимание руководителей организаций и предприятий!

ЧАСТНОЕ СТРОИТЕЛЬНО-МОНТАЖНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «ФАЙЗ БИНОКР ОЛТИАРИК»

объявляет о проведении конкурсного торга по закупке технологического оборудования по объекту: «Строительство здания «Санъат саройи на 1000 зрительских мест в городе Фергане».

- 1. Механическое оборудование сцены.
2. Оборудование для освещения сцены.
3. Звукотехническое оборудование для сцены и зрительского зала.
Условия финансирования: 100% беззастыный документарный, деловой аккредитив. Валюта платежа: доллар США, евро, российский рубль.
Гарантия качества: качество поставляемого товара должно соответствовать техническим характеристикам, действующим у производителя и подтверждаться сертификатами качества, выданными производителем.
Технические требования к товару: товар поставляется новым и технические характеристики могут быть лучшими, но не должны иметь худших значений, чем требуемые.
Вызов поставщика: обязательен. Если поставщик не подтверждает свое участие в приеме оборудования, то заказчик вправе произвести прием в одностороннем порядке. В этом случае односторонний акт заказчика о приеме оборудования будет являться основанием для проведения взаиморасчетов и предъявления рекламаций и претензий.
Условия поставки (согласно Инкотермс-2010): Для иностранных поставщиков-CIP — г. Фергана Руз. Для отечественных поставщиков-DDP — склад покупателя в г. Фергане.
Сроки поставки — для иностранных поставщиков — до 180 дней со дня сообщения банка покупателя об открытии аккредитива. Для отечественных поставщиков — до 180 дней со дня осуществления предплат.
Условия подачи тендерных предложений: претендентам должен быть охвачен весь перечень оборудования. При отсутствии полного охвата, предложение претендента не рассматривается.
Предотвращающая инспекция: осуществляется поставщиком. Источники финансирования: государственный бюджет.
Заказчик: частное строительное-монтажное предприятие «Файз Бинокр Олтиарик», расположенное по адресу: Узбекистан, Ферганская область, г. Фергана, ул. Конституции, 10. Контактные телефоны: 8 (373) 224-82-84, факс 8 (370) 912-37-78; E-mail: axmadaliev62@mail.ru
Расчетный счет: АКИБ «Илохтеа банк», Р/счет № 20208840704435127001, МФО: 00544, ИНН: 205832908.
Валютный счет: АКИБ «Илохтеа банк», Р/счет № 2020800404435127001, МФО: 00544, ИНН: 205832908.
Особые условия: на торгах могут участвовать компании производители или авторизованные дилеры. Максимальная стоимость заказчика: 6 200,845 тысяч долларов США. Организатор торга: Ферганский консалтинговый Центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве.
Адрес: Узбекистан, город Фергана, ул. Темирйўлилар, 37, телефон: 8(373)-224-18-71, факс: 8(373)-224-18-71.
Расчетный счет для отечественных поставщиков: «Кредит Стандарт» банк; Р/с 20210000103767818001, МФО: 01035, ИНН: 202529457.
Валютный счет для иностранных поставщиков: «Илохтеа» банк, г. Фергана; Р/с 20210840903767818003, МФО: 00544, ИНН: 202529457.
Предприятия и организации должны соответствовать следующим условиям: При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных поставщиков при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных поставщиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога. К претенденту на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные

требования: — наличие оборотных средств, в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для поставки товаров работ и услуг; — гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора. — наличие опыта поставки товаров работ и услуг, аналогичных предмету конкурсных торгов. Не допускаются к участию в процедурах конкурсных торгов претенденты, находящиеся на стадии реорганизации (разделения, слияния), ликвидации или банкротства, на имущество которых наложено арест, а также имеющих непосредственную организационно-правовую или финансовую зависимость друг от друга, выраженную в форме актов учредительства, финансового участия, холдинга и других форм. Претенденты должны обладать гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение контракта. Для получения информации участники могут обращаться к организатору торга ежедневно с 9.00 до 18.00 часов по местному времени (за исключением субботы и воскресенья) до окончания срока принятия тендерных предложений. Пакет тендерной документации может быть приобретен по вышеуказанному адресу после оплаты не возвращаемой суммы в размере 200 долларов США, путем перечисления на расчетный счет. Оплата третьих лиц за пакет тендерной документации запрещается. Тендерные предложения должны быть подтверждены гарантией обеспечения заявки в размере 1% от максимальной цены заказчика. Данная сумма должна быть перечислена на расчетный счет заказчика. Вскрытие пакетов состоится по адресу: г. Фергана, ул. Темирйўлилар, 37 — через 30 дней после выхода объявления в печати.

Спорт

Хабарингиз бор, шу йилнинг 21 июнь — 13 июль кунлари Туркияда (U-20) ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади. Ушбу нуфузли мусобақада Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

ЁШЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Уругвай, Хорватия ҳамда Янги Зеландия вакилларига қарши майдонга тушади

Кун кеча жаҳон чемпионати гуруҳ учрашувларида кўрға ташланди. Унга кўра, дунёнинг энг кучли йигирма тўртта терма жамоаси тўрттадан олти гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсларни бошлашди. Кўрғага мувофиқ, ёшларимиз «F» гуруҳидан жой олди. Туркиянинг Бурса ва Анталия шаҳарларида ўтказиладиган мазкур гуруҳ учрашувларида ҳамюртларимиз кейинги босқич йўлланмаси учун Янги Зеландия, Уругвай, Хорватия ёшларига қарши майдонга тушади.

Тақвимга кўра, Аҳмаджон Мусаев шогирдлари гуруҳдаги ilk ўйинни 23 июнь кун Янги Зеландия футболчиларига қарши ўтказидади. Орадан уч кун ўтиб, ёшларимиз хорватиялик тенгдошлари билан куч сынашди. Ўзбекистон — Уругвай ёшлар терма жамоалари баҳси эса 29 июнь кунги ўтказилиши белгиланган.

Эслайтиб ўтамиз, жаҳон чемпионати низомига кўра, ҳар бир гуруҳнинг икки пешқадам жамоаси, шунингдек, энг яхши натижа кўрсатган тўртта учинчи ўрин соҳиби «плей-офф» босқичига йўлланма ни қўлга киритади. (Ўз мухбиримиз.)

Weather forecast table with columns: OB-HAVO, Yurtimiz b'ylab (C), Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm viloyati, Buxoro va Navoiy viloyatlari, Toshkent, Samarqand, Jizzax hamda Sirdaryo viloyatlari, Qashqadaryo hamda Surkhondaryo viloyatlari, Andijon, Namangan hamda Farg'ona viloyatlari, Toshkent shahri, Dunyo b'ylab (C), London, Parij, Moskva, Madrid, Pekin, Kanberra, Rim, Afina, Tokio, Stokg'olm, Keyptaun, Qo'xira, Gavana, Vashington.

Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш хушхўй консалтинг маркази «Голос Узбекистана» газетасининг 2013 йил 29 март, 12-сонда берилган эълондаги объектнинг буюртмаси бошлангич нархи ҚҚСsiz 2 645 985 662 сўм, ҚҚС билан 3 175 182 794 сўм, таклифлар (оферталар) очилгани Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида ўтказилади, деб ўқилиши ни маълум қилади.

«ЎзМал Оил» қўшма корхонаси жамоаси бош ижрочи директорнинг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари Норбой Исмаилов ақаси Холмурод ИСМАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS: Bosh muharrir: Iqor OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Murodulla ABDULLAYEV, Muslihidin Latif G'ULOMOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, MUHIDDINOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Tat'yana KISTANOVA, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV. Manzilimiz: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2008-7633. 1 2 3 4 5